



СУДЛАРДА ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ КЎРИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Давлатов Мухторжон Фарходович

Адвокат, мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11243281>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2024 yil
Ma'qullandi: 15-May 2024 yil
Nashr qilindi: 22-May 2024 yil

KEY WORDS

суд мажлиси котиби, суд
мажлиси баённомаси,
автоматик тизим, аудиоёзув,
сунъий интеллект
технологиялари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада суд тизимида рақамлаштиришнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилиб, қабул қилинган дастурлар ижроси муҳокама қилинган ҳолда айрим камчиликлар эътироф этилиб, бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Хусусан, мақолада иқтисодий низоларни кўрувчи судларда ҳам суд мажлиси баённомаларининг ўрнига батафсил тўхталган ҳолда, ушбу жараёни ҳам рақамлаштириш таклиф этилган.

ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА ЭКОНОМИЧЕСКИХ СПОРОВ В СУДАХ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ СПРАВЕДЛИВОГО ПРАВОСУДИЯ

Давлатов Мухторжон Фарходович

Адвокат, независимый исследователь

Аннотация: В данной статье была обсуждена важность и значение цифровизации в судебной системе. Также были выдвинуты предложения по устранению недостатков которые были определены в ходе обсуждений по реализацию принятых программ.

Ключевые слова: секретарь судебного заседания, протокол судебного заседания, автоматическая система, аудиозапись, технологии искусственного интеллекта.

THE SIGNIFICANCE OF DIGITALIZING THE PROCEEDING OF ECONOMIC DISPUTES IN THE COURTS IN ACHIEVING FAIR JUSTICE

Davlatov Mukhtorjon Farkhodovich

Lawyer, independent researcher

Abstract: This article discussed the importance and significance of digitalization in the judicial system. Proposals were also put forward to eliminate shortcomings that were identified during discussions on the implementation of adopted programs.

Key words: court secretary, court record, automatic system, audio recording, artificial intelligence technologies.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланганидан бери аҳолининг харид қуввати ошиб, иқтисодийнинг барча тармоқлари, хусусан савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдор ва сифат жihatдан янги босқичга кўтарилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш жадаллашди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий

низоларнинг кўпайишига, уларнинг мазмун жиҳатдан кенгайишига олиб келди. Низоларни судгача ҳал қилиш механизмлари жорий қилинган бўлса-да, иқтисодий судлар давлат-тадбиркор ва тадбиркор-тадбиркор форматида юзага келаётган иқтисодий низоларни ҳал қилишда одил судловни амалга оширувчи ваколатли орган сифатида асосий ролни ўйнамоқда.

Бироқ, сир эмаски, айрим ҳолларда биринчи инстанция судларининг Конституция, қонунлар, Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК), Олий суд пленуми қарорлари (ОСПҚ) ва бошқа амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид бўлган ҳал қилув қарорлари юқори инстанция судларида кўриб чиқилса-да, бир қатор сабабларга кўра ўзгаришсиз қолмоқда. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин.

- иш ҳажмининг судьяларнинг жисмоний имкониятлари даражасидан ортиқлиги;
- инсон омили билан боғлиқ бошқа ички ва ташқи таъсирлар.

Бу эса ўз навбатида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларининг, инвесторларнинг, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ва фуқароларнинг одил судловга, қонунчилик механизмнинг бахато ишлашига бўлган ишончи камайишига ҳамда инвестицион жозибаторликнинг сусайишига сабаб бўлмоқда. Қайд қилинган ноҳуш ҳолатларга барҳам бериш, амалдаги қонунчилик механизмнинг беҳато ишлашини таъминлаш учун судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция, кассация ва тафтиш тартибида кўришни максимал даражада рақамлаштириш орқали одил судловни амалга оширишда инсон омилини камайтириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги

ПҚ-3250-сонли Қарорида 2019 йил 1 июль кунига қадар электрон стенография қилиш функцияси билан суд мажлисларини аудио-видеода қайд этишнинг миллий дастурий таъминотини ишлаб чиқиш белгиланиб, ушбу мақсадда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасидан 1,5 млрд. сўм ажратилиши назарда тутилган эди. Ушбу топшириқ ижросиз қолгач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли қарорига 1-илова билан тасдиқланган “2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури” нинг 8-бандида 2020 йил 31 декабрга қадар барча суд залларини суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш тизими билан таъминлаш учун зарур ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш вазифаси кўйилди ҳамда ушбу мақсад учун 7 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланди[1]. Бироқ, ҳозирги қадар ушбу топшириқлар ижросиз қолиб, судларда суд мажлиси баённомаларини юритиш эскича тартибда амалга ошириб келинмоқда.

Албатта, иқтисодий низоларни судда кўришда ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки кўрсатмаларининг аҳамияти иш ҳужжатларидаги мавжуд ёзма далиллардан (шартномалар, ҳисоб-фактуралар, йўл варақалари, топшириш-қабул қилиш далолатномалари, банк ва солиқ идораларининг маълумотномалари) кўра кучлироқ эмас. Бироқ, ИПК 74-моддасидаги ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб кўйилган кучга эга эмаслиги тўғрисидаги қоидага таянадиган бўлсак, иштирокчиларнинг кўрсатмалари, ариза ва илтимосномалари, мутахассисларнинг тушунтиришлари суд мажлиси баённомасида тўлиқ қайд этилиши ишни юқори инстанция судида кўриб чиқиб, қонуний ва адолатли қарор қабул қилишда муҳим ўрин тутиши мумкин.

Амалиётдан маълумки, иқтисодий низоларни судда кўриб чиқишда тарафларнинг тушунтиришлари, асосий важлари вазиятга қараб ўзгариб туриши мумкин. Биринчи инстанцияда ишни кўриб чиқишда бошқача тушунтириш бериб, юқори инстанция суд мажлисларида судга бошқача кўрсатмалар бериш ҳолатлари учраб туради. Албатта, тарафларда низонинг бошидан охирига қадар бир хил позицияда туриб, бир хил кўрсатма бериш мажбурияти йўқ. Шу сабабли, ҳақиқатни аниқлаш ва адолатли қарор қабул қилишда судьянинг малакасидан ташқари, олдинги суд мажлисларидаги барча деталларнинг суд мажлиси баённомасида тўлиқ акс эттирилиши айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий судлардаги иш юкламаларининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, қолаверса, суд мажлиси котибининг жисмоний имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суд мажлиси баённомасида суд мажлисида бўлиб ўтган савол-жавоблар, кўрсатма ва тушунтиришларни сунъий интеллект технологияларисиз тўлиқ акс эттириш имконсиз.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодий судларда аудиоёзувдан фойдаланиш ҳамда судларни ушбу аудиоёзувларни матн шаклига ўгириб берадиган дастурий таъминот билан таъминлаш зарурати мавжуд.

Хорижий давлатлар тажрибасига қаралганда Испания, Греция, Словакия, Руминия, Чехия, Грузия, Украина, Молдова, Озарбайжон, Россия, Белоруссия, Қирғизистон ва Қозоғистон жиноят-просессуал қонунчилигида суд мажлисини аудиоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш суд мажлисини ташкил этишнинг мажбурий шарти сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ҳиндистон [2], Буюк Британия[3], АҚШ [4], Канада[5], Хитой[6], Сингапур[7] каби давлатларда иқтисодий ва фуқаролик низоларини кўриб чиқишда ҳам пулли тўлов асосида аудиотранскрипция хизматлари йўлга қўйилган.

Ушбу тизимнинг жорий қилиниши ишни кўриб чиқаётган судьяга қўшимча масъулият юклайди, судья суд мажлисида у ёки бу тарафга босим ўтказа олмайди, оғзаки ариза ва илтимосномаларни эътиборсиз қолдира олмайди, иш материаллари билан яхшилаб танишиб чиқмасдан суд мажлисига тушмайди. Натижада суд процессининг сифати ошади.

Иккинчидан, суд мажлиси котибининг иш юкласи анча камайиб, суд ҳужжатларининг сифати ошади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлиси баённомаси билан танишиш учун илтимоснома киритиш ва суд биносига келиб навбат кутишга эҳтиёж қолмайди. Автоматик шакллантирилган суд мажлиси баённомаси бошқа суд ҳужжатлари сингари электрон форматда тизимга юкланиб, аризачи томонидан танишиб чиқиш учун сақлаб олиниши мумкин бўлади.

Учинчидан, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисини аудио ёки видеотасвирга олиш учун илтимоснома киритишга, судьянинг ушбу илтимосномани муҳокама қилиб, қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаришига ҳожат қолмайди. Натижада тарафлар вакилларида суднинг ҳолислигига бўлган ишонч ортади.

Ва энг асосийси, суд мажлиси баённомаларининг автоматлаштирилган тарзда расмийлаштириб борилиши суд мажлисида билдирилган барча важлар ва эътирозларнинг қайд этиб борилишига, бу эса юқори инстанция судларида ишни

кўришда ҳақиқатни аниқлашнинг осонлашишига, одил судловни таъминлаш даражасининг ошишига олиб келади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — <https://lex.uz/docs/4979896>
2. <https://www.kissamago.com/supreme-court-audio-recording-transcription/>
3. <https://www.judiciary.uk/guidance-and-resources/presidential-guidance-recording-of-hearings-and-transcription-of-recordings-in-hesc/>
4. <https://www.americanbar.org/groups/journal/articles/2022/remote-court-transcription-technology-enables-virtual-court-appel/>
5. <https://chrt-tcdp.gc.ca/en/about-us/practice-direction-recording-hearings-use-court-reporters-and-transcripts>
6. Zhang, Xingmei. 2022. China's mode of electronic reform for court records. *Pravovedenie* 66 (4): 360–370. <https://doi.org/10.21638/spbu25.2022.401>
7. <https://www.judiciary.gov.sg/singapore-international-commercial-court/forms-and-services/use-of-technology-at-the-sicc>

